


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 28 март, № 61 (8404) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ВА МИСР ЕТАКЧИЛАРИ ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ КЕЛИШУВЛАР ИЖРОСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси билан 27 март куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотида олий даражада эришилган келишувлар ижросининг таҳлили батафсил кўриб чиқилди.**

Ўзбекистон ва Миср етакчилари суҳбатни муборак Рамазон ойи кириб келгани билан бир-бирини самимий қутлашдан бошлаб, дўст халқларимизга фаровонлик, тинчлик-осойишталик ва равнақ тиладилар.

Икки мамлакат етакчи компанияларининг энергетика, тоғ-кон, чарм ва заргарлик тармоқлари, соғлиқни сақлаш ва телекоммуникация соҳалари каби йўналишларда аниқ кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Қўшма лойиҳаларни самарали амалга ошириш учун фаол мулоқотларни давом эттириш ва қулай шароитларни шакллантириш муҳимлиги қайд этилди.

Шу мақсадда икки томонлама Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишларини мунтазам ўтказиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Халқаро ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**ЎзА.**

## ИНВЕСТИЦИЯ, ЭКСПОРТ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 27 март куни инвестиция, экспорт ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Мамлакатимиздаги қулай бизнес муҳити самарасида сўнгги йилларда чет эл корхоналари 5 мингтадан 16 мингтага кўпайди. Ҳар бир туман ва шаҳарга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди.

Экспорт қилувчи корхоналар сони беш йилда 4 минг 500 тадан 7 минг 200 тагача кўпайди. Экспорт қилинаётган маҳсулот турлари ҳам 1 минг 500 тадан қарийб 3 мингтагача ошиб, географияси 139 та мамлакатдан 164 тага етди. Тайёр маҳсулот экспорти 2 баробарга, уларнинг товарлар экспортидаги улуши 50 фоиздан 65 фоизга ошди.

Бу суръатни изчил давом эттириб, жорий йилда қарийб 11 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш режалаштирилган. Ҳудудларда 23 миллиард долларлик 12 мингта янги лойиҳа, шу жумладан, 3 мингдан зиёд саноат лойиҳалари ишга туширилиши белгиланган.

Энди уларни амалга ошириб, халқ манфаатига йўналтириш керак.

Йиғилишда мутасаддилар шу борадаги ишлар юзасидан ҳисобот берди. Йил бошидан 764 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилгани, 1 минг 300 та йирик ва ўрта лойиҳалар ишга туширилгани қайд этилди. Экспорт 3 миллиард долларни ташкил қилган.

Давлатимиз раҳбари бу натижалар етарли эмаслигини, дунёдаги ҳозирги мураккаб вазиятда икки карра кўпроқ ҳаракат қилиш кераклигини таъкидлади.

Ускуналарни олиб келиш, маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқишда логистика масалалари кундан-кунга долзарб бўлиб бормоқда. Бу ҳолатда хорижий инвестициялар жалб қилиш ҳам қийинлашмоқда. Аниқ лойиҳалар ва инфратузилма масаласи ҳам долзарб.

Шу боис Президентимиз ишга тушадиган лойиҳалар ижросини ҳудудлар ва тармоқлар кесимида кунлик назорат қилиб, муаммоларни ҳал этиб бориш зарурлигини таъкидлади. 304 та йирик ва 3 мингта ҳудудий лойиҳалар ишга туширилиши натижасида шу йилнинг ўзида 10 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва 200 миллион долларлик экспорт қилиш имкониятлари мавжуд.

Ташқи бозорларни доимий таҳлил қилиб, янги бозорларни ўзлаштириш, янги транспорт йўлакларини топиш бўйича кўрсатмалар берилди. Рақобат кучайиб бораётган айни пайтда маҳсулотлар сифатини ошириш ва таннархини тушириш муҳимлиги қайд этилди.

Юқори технологик ва қўшилган қийматли маҳсулотларни маҳаллийлаштиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш тизимини жорий қилиш, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигида Саноат сиёсати тадқиқотлари марказини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Педагог ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 17 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 2 мартда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда мажбурий меҳнатга барҳам бериш, айниқса, таълим ташкилотларининг педагог ходимларини ўз хизмат вазифалари билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ҳолларига қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган қонун ҳужжатларини ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бироқ педагог ходимларни уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга жалб этиш ҳоллари давом этмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига педагог ходимларни меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаганлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин худди шундай қилмишни такроран содир этганлик учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи норма киритилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида педагог ходимларни меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаганлик, шунингдек уларнинг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши назарда тутилмоқда.

Ушбу Қонун таълим ташкилотининг педагог ходимларини мажбурий меҳнатга жалб қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун, педагог ходимларнинг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарликни кучайтиришга, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

**(Давоми 2-бетда).**

### Дунё нигоҳи

## ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИГА КИРИТИЛИШИ ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ЕХҲТ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ

*Ўзбекистон Республикасининг ЕХҲТ қошидаги Доимий ваколатхонаси томонидан ЕХҲТ Доимий кенгашининг 1415-сонли мажлиси кун тартибига “Ўзбекистонда бўлажак референдум” мавзуидаги масала киритилди ва унинг доирасида Ўзбекистон Республикасининг ЕХҲТдаги Доимий вакили Абат Файзуллаев йиғилиш қатнашчиларига жорий йил 30 апрель куни бўлиб ўтадиган референдум ва Конституцияга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги батафсил маълумотларни тақдим этди.*

➔ 2

### Марказий сайлов комиссиясида

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЧЕТ ДАВЛАТЛАРДАГИ ДИПЛОМАТИК ВА БОШҚА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ҲУЗУРИДА РЕФЕРЕНДУМ УЧАСТКАЛАРИ ТУЗИЛДИ

*Марказий сайлов комиссиясининг кеча бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси референдумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ навбатдаги масалалар кўриб чиқилди.*

“Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16 ва 18-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 16-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил 13 июлдаги 1178-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида референдум участкалари ҳамда референдум ўтказувчи участка комиссияларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига мувофиқ, мамлакатимизнинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида референдум участкалари тузилади.

➔ 2

### Фикр

## ЗЎРАВОНЛИК — БУ ЖИНОЯТ!

**Жиноят эса адолатли қонунлар билан жазоланиши керак.**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда оиланинг, жумладан, хотин-қизлар ва болаларнинг жамиятда тутган ўрнини янада ошириш, уларни ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш соҳасида тизимли ислоҳотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, юртимизда оила институтини мустаҳкамлаш, барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш мақсадида кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, уларнинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар жамиятимиз ривожига хизмат қиляпти.

Аммо, шу билан бирга, бугунги кунда хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг ишончли ҳимояси бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётида кўплаб муаммолар юзага келяпти.

Аниқроқ айтганда, хотин-қизлар ҳамда болаларнинг ҳуқуқларига дахл қилувчи жиноий қилмишлар учун мутаносиб санкциялар белгиланмаган, шахс ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи, шаъни ва қадр-қимматини камситувчи маълумотларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган.

➔ 3

### Халқ вакиллари — ҳудудларда

## ФАРОВОН ҲАЁТ ЙЎЛИДАГИ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОС

*Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари мамлакатимизнинг янгиланаётган Конституциясининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида ҳудудларда бўлиб, Асосий Қонунимиз аҳамиятини аҳолига тушунтирмоқда.*

### Конституция — келажагимиз кафолати

Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл тумани ҳокимлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Равшан Мамутов, туман ҳокими ва унинг ўринбосарлари, корхона ҳамда ташкилотлар раҳбарлари иштирок этган тадбирда Бош қомусимизнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида кенг тушунтириш берилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз ҳар жиҳатдан катта давлатга айланаётганини ҳисобга олсак, аҳолимиз 2040 йилга бориб 50 миллионга етади ва унинг ярмидан кўпини ёшлар ташкил қилади. Уларга муносиб ҳаёт шароитини яратиш учун эса барқарор иқтисодиёт, хавфсиз давлат, самарали бошқарув, ижтимоий кафолатлар бўлиши лозим. Бу ва бошқа масалалар ечими мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор — Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституциясини тақозо этади. Айнан шунинг учун ҳам юртимизда конституциявий ислоҳот олиб бориляпти.

— Янги таҳрирдаги Конституцияга миллий иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатда инвестициявий муҳитни яхшилаш ҳамда мулк ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган нормалар киритилмоқда, — дейди Р. Мамутов. — Хусусан, нафақат банк омонатлари, балки банк операциялари ҳамда ҳисобварақларнинг ҳам сир тутилиши кафолатланяпти.

Худди шундай тадбирлардан яна бири Тўрткўл тиббиёт коллежида ҳам бўлиб ўтди.

### Очиқлик сиёсати давом эттирилади

Жиззах вилоятининг Зомин туманида янгиланаётган Конституция мазмун-моҳияти тарғиботига бағишлаб ўтказилган тадбирда парламент қуйи палатаси депутати Муқаддас Ўразалиева Бош қомусга киритилаётган янги нормалар ҳақида маълумот берди.

Урғуланганидек, янги таҳрирдаги Конституцияда очиқлик сиёсатини давом эттириш, фаол фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда жамоатчилик назорати институтини янада ривожлантиришга қаратилган нормалар киритилмоқда.

➔ 3

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 13 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 2 мартда маъқулланган

Сўнгги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини, шошилинч тиббий ёрдамни ва ихтисослаштирилган тиббий хизматлар тармоғини ўз ичига олувчи уч босқичли миллий тиббиёт модели яратилди, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар самарадорлигини, сифатини ва қулайлигини ошириш таъминланмоқда.

Шу билан бирга, охирги пайтларда беморлар ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан тиббиёт ходимларига тажовуз қилиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Бу жараёнда тиббиёт ходимларини беморларнинг соғлиғи ёмонлашишида ёки ўлимида асоссиз равишда айблаш, шунингдек ҳеч бир сабабсиз шифокорларга ва ўрта тиббиёт ходимларига тажовуз қилиш ҳоллари юз бермоқда.

Бироқ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги амалдаги кодексида хизмат вазифаларини бажараётган тиббиёт ходимларига нисбатан қонунга хилоф равишда турли шаклларда таъсир ўтказганлик, шунингдек тиббиёт ходимларининг тиббий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун тўғридан-тўғри маъмурий жавобгарлик белгиланмаган.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиловчи янги модда билан тўлдирилмоқда.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши тиббиёт ходимлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва уларнинг касбий фаолиятига турлича аралашувларнинг олдини олишга, шифокорлик касбининг мақоми ҳамда нуфузини оширишга, фуқароларга ўз вақтида ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишига хизмат қилади.

**(Давоми 2-бетда).**

## САНОАТ ТАРМОҚЛАРИГА ЕТУК КАДРЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МАСЪУЛИЯТИ

Таълим

*Бугунги кунда мамлакатимизда ўттиздан зиёд хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари фаолият юритмоқда. Бу хорижнинг илғор тажрибасини Ўзбекистон таълим тизимига кенг татбиқ этиш, дунё стандартлари асосида ўқитиш, пировардида юртимиз тараққиётига хизмат қиладиган, дунё ёшлари билан рақобатлаша оладиган кадрларни тайёрлаш имконини бермоқда.*

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети шулардан бири, десак, муболаға бўлмайди. Италиянинг Турин шаҳридаги Турин политехника университети билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу олий таълим муассасасининг асосий вазифаси илғор технологияга асосланган саноатнинг юқори тармоқларига етук кадрларни етказиб беришдан иборатдир.

Дунё миқёсида юксак технологиялар шиддат билан ривожланмоқда ва IT мутахассисларига бўлган талаб ҳам жуда юқори. Чунки бугун биророта соҳа тараққиётини ахборот технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Шу нуқтаи назардан, университетимизда ўқув жараёнлари Италиянинг Турин университети ва халқаро стандартларга ҳамда миллий мақсад ва вазифаларга мос равишда олиб борилади. Бу ерда Италиядан келган юқори малакали профессорлар ва маҳаллий профессор-ўқитувчилар талабаларга таълим беради. Айтиш жоизки, университетда дарслар тўлиқ инглиз тилида, халқаро стандартларга мос равишда олиб борилмоқда.

Таълимнинг асосий негизини амалий тажрибалар ташкил қилади. Шу боис ўқув муассасамизда талабаларга нафақат назарий, балки амалий билим ҳам берилади. Бу уларга олган билимини келгуси иш фаолиятида самарали қўллай олишларига имкон бермоқда.

➔ 4



## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Педагог ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда) **$148^2$-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно, таълим ташкилотининг педагог ходимига нисбатан худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 667-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1189-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **51-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Худди шундай ҳуқуқбузарлик таълим ташкилотининг педагог ходимига нисбатан содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **$197^5$-модда**:

**номидаги** «**Таълим муассасаси**» деган сўзлар «**Таълим ташкилоти**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Таълим ташкилоти педагог ходимининг касбий фаолиятига таълим олувчиларнинг билимини тўғри ва холис баҳолашига таъсир кўрсатиш билан ифодаланган тарзда қонунга хилоф равишда аралашиш ёки таълим ташкилоти педагог ходимининг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

3) **283-модданинг еттинчи қисмидаги** «Ушбу Кодекснинг $197^5$-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда (таълим муассасаси педагог ходимининг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш ёки ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш), таълим муассасасининг педагог ходими» деган сўзлар «Ушбу Кодекснинг $197^5$-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда (таълим ташкилоти педагог ходимининг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш ёки ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш), таълим ташкилотининг педагог ходими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 27 март
№ ЎРҚ—826

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 667-модда, № 10, 981, 984-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **$197^7$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$197^7$-модда. Тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилиш**

Тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки шу мақсадда тиббиёт ходимига қонунга хилоф равишда ҳар қандай шаклда таъсир ўтказиш, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса – етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «$197^6$» рақамидан кейин «$197^7$» рақами билан тўлдирилсин;

3) **305-модданинг иккинчи қисми** «$197^5$» рақамидан кейин «$197^7$» рақами билан тўлдирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 27 март
№ ЎРҚ—827

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЧЕТ ДАВЛАТЛАРДАГИ ДИПЛОМАТИК ВА БОШҚА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ҲУЗУРИДА РЕФЕРЕНДУМ УЧАСТКАЛАРИ ТУЗИЛДИ

1

Ушбу қонун талабларидан келиб чиқиб, Марказий сайлов комиссияси мажлисида Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида 55 та референдум участкасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди ҳамда мазкур референдум участкалари 14-Тошкент шаҳар референдум округига бириктирилди.

Маълумки, референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир тадбирларда бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Улар Марказий сайлов комиссияси томонидан аккредитациядан ўтказилади.

Мажлисда 2023 йил 30 апрелда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикасининг референдумида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига асосан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросидан қатнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда бир қатор маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИГА КИРИТИЛИШИ ТАКЛИФ ЭТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ЕХҲТ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ



1

Тадбирда ЕХҲТга бўлган барча 57 та аъзо давлат, 11 та мулоқот бўйича шерик мамлакатлар ҳамда ташкилотнинг ижро этувчи тузилмалари раҳбарлари иштирок этдилар.

Хусусан, маърузада мазкур конституциявий ислоҳотлардан кўзланган мақсад мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган туб ўзгаришларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратиш ҳамда Асосий Қонунни жамиятдаги бугунги реал воқеликка ва шиддатли тус олган ислоҳотлар мантиғига мослаштиришдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланди.

"Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи халқ бўлиши керак", деган ғоя асосида Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича умумхалқ муҳокамаси ўтказилганлиги, жами аҳолидан уни такомиллаштириш бўйича 220 мингдан зиёд таклифлар келиб тушгани ва уларнинг ҳар тўрттасидан биттаси лойиҳадан жой олгани қайд этилди.

Конституциявий қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар билан бир қаторда ЕХҲТ томонидан қабул қилинган тегишли халқаро ҳужжатлар ҳам таҳлил қилинганлиги билдирилди.

Конституциявий ислоҳотлар доирасида Ўзбекистон давлатининг ҳуқуқий мақоми бўйича қатъий нормалар киритилаётганлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мажбурияти этиб белгиланаётгани, давлат ҳокимияти тизими тубдан ислоҳ этилиб, парламентаризм янада кучайтирилаётганлиги, ёшлар, болалар, аёллар ҳуқуқлари муҳофазасига оид қўшимча кафолатлар белгиланаётгани маълум қилинди. Шунингдек, Конституцияга бозор механизмларини янада ривожлантириш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, мулк дахлсизлиги ва у билан боғлиқ ҳуқуқларнинг таъминланишини давлат томонидан муҳофаза этиш ҳамда мулкий ҳуқуқларни чеклаш фақат суд қарори асосида бўлишига доир янги нормалар киритилаётганлиги қайд этилди.

Умуман олганда, мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар натижасида Конституциянинг моддалари амалдаги 128 тадан 155 тага кўпайиб, нормалари ҳажми 65 фоизга ошиши ҳамда ўзгартиш ва қўшимчаларнинг сони ва мазмуни Конституцияни янги таҳрирда қабул қилиш заруратидан далолат бериши таъкидланди.

Мажлис якунида Ўзбекистон делегацияси маърузаси матни ЕХҲТнинг расмий ҳужжати сифатида иштирокчи давлатларга тарқатилди.

**«Дунё» АА.**
Вена

Семинар

# ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ ВАУЧЕР ҲИСОБИГА ЎЗ БИЗНЕСИНИ ЙЎЛГА ҚЎЯДИ

*Ёдингизда бўлса, ўтган йилнинг 28 ноябрь — 3 декабрь кунлари Термиз туманидаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси томонидан ҳудудда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва бандлигини таъминлаш, қолаверса, касб-ҳунар эгаллашларини рағбатлантириш мақсадида 16 нафар хотин-қиз танлаб олиниб, улар учун тадбиркорлик йўналишида бир ҳафталик семинар-тренинг ўтказилган эди.*

Яқинда мазкур анжуман доирасида ишлаб чиқилган бизнес-режаларни беғараз молиялаштириш ва семинар-тренинг иштирокчиларини тақдирлаш мақсадида Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида навбатдаги тадбир ташкил этилди.

Унда Халқаро миграция ташкилоти кўмаги асосида Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Гулнора Маъруфова томонидан ҳар бир иштирокчига қиймати 22,7 миллион сўмлик ваучерлар ва планшетлар топширилди. Ваучерлар 6 ой муддатда амалда бўлиб, ундаги маблағлардан шу вақт давомида тўлиқ фойдаланиш имконияти яратилди. Эндиликда бу опа-сингилларимиз мазкур маблағлардан ўз бизнесини йўлга қўйишда фойдаланади.

Тадбирда хотин-қизларнинг тадбиркорлик лойиҳалари ҳамда келажак режалари билан боғлиқ қатор масалалар белгилаб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# ФАРОВОН ҲАЁТ ЙЎЛИДАГИ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОС

1 Хусусан, миллий қонунчилигимизда биринчи маротаба фуқаролик жамияти институтларининг таркиби очиб берилмоқда ҳамда улар фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этиши мустаҳкамланаётир. Шунингдек, Давлат бюджетини шакллантириш ва унинг ижроси устидан фуқаролик жамияти институтлари томонидан жамоатчилик назорати олиб борилиши ҳақидаги янги модда киритиляпти.

Яна бир муҳим норма — агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги кафолатланмоқда. Бу ҳол жиноят бўйича ҳақиқатни аниқлаш, шунингдек, айбсиз инсонларнинг жавобгарликка тортилишининг олдини олишга, айни пайтда, жиноят содир этган ҳақиқий айбдор шахс ёки шахсларни аниқлашга хизмат қилади.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб олдилар.

## Давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига доир нормалар

Навоий вилоятининг Конимех туманида айни шу мавзуга бағишланган семинарда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Акшагул Тулегенова ва бошқалар янгиланаётган Конституция тараққий этган давлат — янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида бутун жамиятимизни жипслаштириши, унда барча қатлам манфаатлари инобатга олинганини алоҳида таъкидлашди.

Бош қомусимизда камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат ўзига қатор янги мажбуриятлар олиши белгиланаётгани, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига доир нормалар уч баробарга ошаётгани қайд этилди.

— Янги таҳрирдаги Конституциямизда давлат бошқаруви тизимини модернизация қилиш ва бугунги кун талабларига мослаштириш масалалари ҳам ўрин олган, — дейди қуйи палата депутати А. Тулегенова. — Жумладан, Қонунчилик палатаси билан Сенатнинг биргаликдаги ҳамда ҳар бир палатанинг алоҳида-алоҳида ваколатлари ва масъулият соҳалари аниқ белгилаб берилмоқда.

Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетида бўлиб ўтган тадбир давомида ҳам Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти йиғилганларга кенг тушунтирилди.

## Кафолатланган бепул тиббий хизмат

Мамлакатимизда 2017 йилгача олийгоҳларда ўқиш учун давлат грантлари сони фақат қисқариб келган бўлса, охирги олти йилда бу борадаги ҳолат бутунлай ижобий томонга ўзгарди.

Фарғона вилоятининг Бағдод педагогика коллежида янгиланаётган Конституциянинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда шу ҳақда айтиб ўтилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулбаҳор Саидғаниева Бош қомусимизда ижтимоий давлатга хос ёндашув таълим соҳаси бўйича кўпгина модда ва нормаларда ўз ифодасини топганлигини қайд этди.

— Янги таҳрирдаги Конституцияда таълим ва илм-фанга оид нормалар қарийб 2 баробар ошмоқда, — дейди депутат Г. Саидғаниева. — Жумладан, фуқароларнинг олий таълим муассасаларида давлат гранти ҳисобидан ўқиш имконияти белгилаб қўйилди. Шунингдек, Асосий Қонунимизда фуқароларнинг бепул бошланғич касб-ҳунарга ўқитилиши ҳам мустаҳкамланмоқда.

Бағдод тумани тиббиёт бирлашмасида бўлиб ўтган учрашув чоғида Конституция матни 65 фоизга янгиланганлиги ҳақида маълумотлар берилди.

Тадбирда аҳолини қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтарилди.



## Аҳоли саломатлиги ишончли муҳофаза қилинади

Парламент қуйи палата депутати Зуҳра Шодиеванинг Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги учрашувлари ҳам қизғин ўтди. Дастлаб халқ вакили тиббиёт ходимлари билан мулоқотда янгиланаётган Конституциянинг мазмун-моҳияти, киритилаётган янги нормаларнинг аҳамияти ҳақида тушунтириш берди.

Айтиб ўтилганидек, янгиланаётган Конституцияда аҳоли кафолатланган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиши мустаҳкамланмоқда. Бу эса жуда муҳим ижтимоий кафолатдир. Чунки аҳолининг айрим қатламлари пулли асосда ёки хусусий шифохоналар хизматидан фойдаланишга имконияти етмаслиги мумкин. Ана шундай вазиятда давлат ўз фуқаросини кафолатланган тиббий хизмат билан таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олиши керак. Конституциядан ўрин олаётган ушбу модда айнан мазкур жиҳатларни кўзда тутади.

Шунингдек, аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4 баробар кўпайтирилмоқда. Бу аҳоли соғлиғини ишончли муҳофаза қилиш, оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар тахдидини ўз вақтида бартараф этиш имконини беради.

Тадбир савол-жавобларга бой тарзда ўтгани иштирокчиларнинг конституциявий билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлади.

## Ўқитувчиларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми янада ошади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Одина Отахонова Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида бўлиб ўтган учрашувларда янгиланаётган Конституция моҳияти ҳақида аҳолига кенг тушунтириш берди.

Таъкидландики, охирги олти йилда олийгоҳлар сони 77 тадан 210 тага, уларга қабул эса беш баравар ортиб, талабалар сони 1 миллионга, олий таълим қамрови 9 фоиздан 38 фоизга ошди. Давлат грантлари сони ҳам икки баравар кўпайиб, 40 мингтага етди, шундан, магистратура учун беш баравар кўпайди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши ҳамда бошланғич профессионал таълим бепул эканлиги белгиланаётгани айни муддао бўлди.

Ўқитувчилар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳамда моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсишига ғамхўрлик қилиш тўғрисидаги норма, шубҳасиз, ўқитувчиларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми ва обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

Тадбир иштирокчиларини қизиқтирган барча саволларга депутат ва мутахассислар томонидан батафсил жавоблар қайтарилди.

## Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи

Халқ вакили Мавжуда Ҳасанованинг Сурхондарё вилоятидаги Узун тумани сайловчилари билан учрашувлари қизғин ўтди.

Депутат тиббиёт муассасалари ходимлари, ўқитувчилар, маҳалла фаоллари билан бўлиб ўтган мулоқотларда янги таҳрирдаги Конституцияга киритилган янги нормалар ҳақида атрофлича маълумот берди.

Таъкидланганидек, Асосий Қонунимизда ҳар ким ишсизликда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамланмоқда. Пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилмоқда. Ҳозирнинг ўзида бу, 2 миллион 200 минг эҳтиёжманд оила давлатдан кафолатли моддий ёрдам олади, деганидир. Бу жами оилаларнинг 25 фоизига тўғри келади. Айни харажатлар учун ҳар йили 11 триллион сўм ажратилади.

Учрашувда иштирокчилар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоблар қайтарилди.

## Эркин бозор иқтисодиётининг энг муҳим талаби

Парламент қуйи палатаси депутати Мавлуда Хўжаева Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги сайловчилар билан учрашувлари чоғида Бош қомусимизга киритилаётган бир қатор янги нормалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Қайд этилганидек, Конституцияда ҳар кимнинг меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш ҳуқуқи, шу билан бирга, тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ҳақли эканликлари кафолатланмоқда.

Мазкур қоиданинг киритилиши эркин бозор иқтисодиётининг энг муҳим талабини ўзида ифода этиб, “қонунда тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятга рухсат берилади” деган тамойилга асосланади.

Бундан ташқари, монопол фаолият қонун билан тартибга солиниши ва чекланиши мустаҳкамланмоқда. Конституцияга ушбу норманинг киритилиши товар ва хизматлар бозорининг барча иштирокчиси учун тенг иқтисодий-ҳуқуқий имкониятлар яратиш орқали тадбиркорлар ўртасида ҳалол рақобатни ривожлантиради.

## Камбағалликни қисқартириш чоралари кучайтирилади

Наманган вилоятининг Косонсой тумани ҳокимлигида ўтказилган семинарда парламент қуйи палатаси депутати Анвархон Темиров Бош қомусимиздаги янги нормалар ҳақида маълумотлар берди.

Семинарда қайд этилганидек, давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши мустаҳкамланяпти.

Қолаверса, давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ҳамда қайта тайёрланишини ташкил этиши ҳамда рағбатлантириши белгиланмоқда.

Мазкур янги норма иш билан таъминланмаган фуқаролар камбағаллик ҳолатига тушиб қолишининг олдини олишга ёки камбағаллик тоифасига кириб қолган фуқароларни ундан чиқариш бўйича давлат томонидан тегишли чоралар кўрилишига конституциявий кафолат сифатида хизмат қилади.

## Инклюзив таълим ва тарбия учун зарур шароит яратилади

Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ тумани ҳокимлигида янгиланаётган Конституциянинг мазмун-моҳиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутати Шаҳноза Холмаҳаматова Асосий Қонунимизга киритилаётган янги нормалар ҳақида батафсил маълумот берди.

Таъкидланганидек, янгиланаётган Конституцияда илк маротаба инклюзив таълим учун шароит яратишга оид алоҳида норманинг белгиланиши таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун таълим ва тарбия уларнинг жисмоний ва ақлий ривожланишини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши, таълим олиш жараёнида уларни бирор-бир шаклда камситишга йўл қўйилмаслиги, барча боланинг тенглиги таъминланишига хизмат қилади. Пировардида, алоҳида таълим эҳтиёжларига эга болаларнинг таълим олишга бўлган ҳуқуқи таъминланади.

Семинарда, шунингдек, уй-жой, суд тизимига оид киритилаётган нормалар ҳақида ҳам сўз юритилди.

## Фуқаролар бошланғич касб-ҳунарга текин ўқитилади

Парламент қуйи палатаси депутати Нодира Жонибекова иштирокида Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги 16-мактабда бўлиб ўтган тадбирда Конституцияда давлатнинг ўқитувчилар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳамда моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбурияти кучайтирилаётгани таъкидланди.

Ушбу қоидалар мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг профессионал ўсиши ҳамда ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватланиши, уларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми, обрўсини янада оширишга, фарзандларимизнинг сифатли ҳамда замонавий таълим олишига хизмат қилади.

Депутатнинг айтишича, Асосий Қонунимизда фуқароларнинг бепул бошланғич касб-ҳунарга ўқитилиши, ногиронлиги бор болаларга ўз тенгдошлари билан бир хил таълим олиши учун барча шароитни яратиш кўзда тутиляпти.

Учрашувда Конституцияда белгиланаётган нормалар бўйича берилган саволларга атрофлича жавоблар қайтарилди.

**«Халқ сўзи».**

# ЗЎРАВОНЛИК — БУ ЖИНОЯТ!

## Жиноят эса адолатли қонунлар билан жазоланиши керак.

1 Жорий йилнинг 23 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан қабул қилинган ҳамда Сенатга юборилган “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси хотин-қизлар ҳамда болаларга зўравонликнинг олдини олиш, оила институтини мустаҳкамлаш, оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қонунчилик палатасига Адлия вазирлиги томонидан киритилган мазкур қонун лойиҳасини маромига етказиш жараёнида қўмитамизда депутатлар, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, экспертлар, олимлар, жамоатчилик вакиллари таркибидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Мазкур гуруҳ томонидан 2 ой давомида ушбу масалага оид маҳаллий ҳамда халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хатловдан ўтказилди.

Қайд этиш лозимки, қонун ташаббускорлари томонидан киритилган лойиҳанинг илк талқинида “оилавий зўравонлик”, “шаҳвоний шилқимлик” сингари тушунчалар ва улар учун жавобгарлик белгиланишини назарда тутувчи нормалар мавжуд эмас эди. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, шунингдек, бир қатор мутахассислар билан ўтказилган маслаҳатлашувлардан сўнг лойиҳа янада маромига етказилиб, бойитилди.

Хорижий тажрибани ўрганиш мақсадида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Швеция, Болгария, Австралия, Хитой, Россия, Украина, Грузия, Арманистон, Озарбайжон ва Марказий Осиё давлатларининг қонунчилиги ўрганиб чиқилди.

Ишчи гуруҳи томонидан ташкиллаштирилган учрашувлар, давра суҳбатлари, семинар ва вебинарлар натижасида соҳани тартибга солувчи қонунчиликда бир қатор бўшлиқлар ҳамда муаммоли масалалар мавжудлиги, хусусан, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид муҳим ҳамда ҳозирги кунда долзарб бўлган тушунчалар, жумладан, “оиладаги зўравонлик”, “таъқиб этиш” каби тушунчалар қонунчиликда мавжуд эмаслиги аниқланди.

Ўрганиш натижалари кўрсатишича, оиладаги зўравонлик оиланинг ҳар қандай аъзосига нисбатан амалга оширилиши мумкин, лекин жабрланувчилар кўпинча хотин-қизлар ҳамда болалар бўлишади. Шакли ва маконидан қатъи назар, зўравонлик — бу жиноят!

Шу боис хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини етарли даражада ҳимоя қилишга қаратилган қонун лойиҳаси депутатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Қонундаги энг муҳим янгиликлар хотин-қизлар, болаларга нисбатан йўл қўйилган зўравонлик ҳаракатларига муросасиз курашишни назарда тутади. Чунончи, қонун билан номусга тегиш ёхуд жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, шахсни жинсий алоқа қилишга мажбурлаш, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқада бўлиш, уларга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатларни содир этиш, вояга етмаган шахс иштирокидаги порнографик маҳсулотни тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ жиноий хатти-ҳаракатлар учун жазо чоралари оғирлаштирилмоқда.

Шунингдек, таъқиб қилиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда, ногиронлик белгилари аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган зўравонлик, номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш каби янги оғирлаштирувчи қисм киритилмоқда.

Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи ордер муддатини 30 кундан бир йилга ошириш кўзда тутилмоқда. Алимент тўлолмаган шахсларга жазо сифатида жарима тайинланиши янада моддий қийинчиликларга олиб келяпти. Бундан ташқари, жинсий зўравонлик, шу жумладан, вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик содир этган шахсга нисбатан қонунчиликда кўзда тутилган енгилликлар бермаслик, хусусан, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш чораларини қўлламаслик белгиланаётир.

Ўрни келганда айтиш керак, жинсий зўравонлик ва тазйиққа учраганлар ҳақида аниқ маълумот йўқ, чунки аксарият ҳолатда қурбонлар бу ҳақида гапиришга қўрқишади. Айни пайтда БМТ тадқиқотчилари томонидан тайёрланган “Аёлларга нисбатан зўравонликнинг глобал ва минтақавий баҳолари” мавзусидаги ҳисоботда келтирилишича, дунё миқёсида аёллар ўлдирилишининг 38 фоизи уларнинг яқин шериклари томонидан содир этилганлиги аниқланган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра эса, ўзаро муносабатларга киришган 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган барча аёлларнинг тўртдан бири ўз ҳаётида камида бир марта яқин инсони томонидан жисмоний ва/ёки жинсий зўравонликка учраган.

Бу рақамлар нимани англатади? Бутун дунёдаги мамлакатлар опа-сингилларимиз ёки болаларга нисбатан зўравонлик ҳаракатини содир этган ёки шу ҳаракатга мойил бўлганларга қарши қақшатқич зарбани бера оладиган мустаҳкам қонунчиликни шакллантириши шартлигидан далолат.



Умуман, Ўзбекистон хотин-қизларни гендер зўравонликдан ҳимоя қилиш ва жамиятда унга йўл қўймаслик бўйича муҳим қадамни ташлади. Бу каби халқчил қонунларимиз юртимизда хотин-қизлар ҳамда болаларнинг тазйиқ ҳамда зўравонликка учрашининг олдини олиш, оила институтини мустаҳкамлаш, бу борада халқаро индексларда мамлакатимиз ўрнини яхшилашга хизмат қилади.

**Гулруҳ АГЗАМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

Тарғибот

# ЯНГИЛАНАЁТГАН БОШ ҚОМУСИМИЗ МОҲИЯТИ ТУШУНТИРИЛМОҚДА

*Хабарингиз бор, шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари жойларда бўлиб, янгиланаётган Конституциямизнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти юзасидан тушунтириш-тарғибот тадбирларини ўтказмоқда.*

Ана шундай тадбирлардан бири куни кеча Бўстонлиқ туманида бўлиб ўтди. Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурҳонов ҳамда Қонунчилик палатаси депутати Қизилгул Қосимова иштирокида ўтказилган ушбу тадбирга туман ҳокимлиги ходимлари, давлат органларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари, ижтимоий соҳа вакиллари ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари қатнашди.

Унда конституциявий ислоҳотлар моҳияти батафсил тушунтирилди. Хусусан, Қ. Бурҳонов янги таҳрирдаги Конституцияда мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёти, халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос, ишончли кафолат сифатида Ўзбекистон “суверен, демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат” эканлиги ҳамда ушбу принципиал қоидаларни ўзгартириш мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилаётганлигига алоҳида урғу берди. Негаки, биргина шу янгиликнинг ўзи ниҳоятда катта ижтимоий аҳамиятга эга. Бош қомусимизда Ўзбекистон “ижтимоий давлат” сифатида белгиланмоқдаки, бу бундан кейин фуқаролар мунтазам равишда давлатимиз томонидан ижтимоий қўллаб-қувватланади, рағбатлантирилади, деганидир.

Тадбирда янгиланаётган Конституциямизда мустақиллигимизни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш, келажак авлодларга озод ва эркин Ватан қолдириш, халқ манфаатларига йўналтирилган ислоҳотлардан чекинмаслик, қонун ва адолат устуворлиги, инсонга эътибор ва ғамхўрлик каби муҳим қадриятлар мужассам бўлганига ҳам урғу берилди.

Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасида Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Анвар Тўйчиев иштирокида ўтказилган тадбирда бундан 31 йил илгари қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг янги таҳрири лойиҳасига киритилаётган қўшимча ва ўзгартишлар хусусида маълумот берилди.

Сенатор таъкидлаганидек, Конституция — давлатимизнинг Асосий Қонуни. У давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари ҳамда суд ва сайлов тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва шахс, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини белгилаб берибгина қолмай, халқимизнинг ислоҳотлар жараёнидаги фаол фуқаролик позицияси намоёни ҳамдир.

Буни муҳокамалар жараёнида юртдошларимизнинг фаоллик кўрсатгани ҳам тасдиқлайди, яъни Конституциявий комиссияга 220 мингдан зиёд таклифлар келиб тушган. Эътиборлиси шундаки, ана шу таклифларнинг аксарияти иш жараёнида ҳисобга олинди.

Тадбирда қайд этилганидек, амалдаги Конституция 128 та моддадан таркиб топган бўлса, янги таҳрирдагиси 155 та моддадан иборат. У мамлакат тараққиёти, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимояси, келажак авлодлар манфаатига тўла хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мисол учун, янги таҳрирдаги Конституциянинг 48-моддаси “Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шаклларини, тиббий суғуртанинг ҳар хил турларини ривожлантириш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўради. Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратади” деган мазмундаги ҳаётий норма билан мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Шунингдек, сенатор янги таҳрирдаги Конституцияга киритилган бошқа ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритди. Айни чоғда жорий йилнинг 30 апрель куни мамлакатимизда ўтказиладиган референдумга тайёргарлик кўриш ва унда фаол иштирок этиш муҳимлигига урғу берилди.

**«Халқ сўзи».**

# АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ

*Шу кунларда бутун халқимиз томонидан кенг муҳокама қилинаётган янги таҳрирдаги Конституциямиз ҳаётий зарурат туфайли ишлаб чиқилган бўлиб, ундан юртимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигига хизмат қиладиган кўплаб янги меъёрлар ўрин олган. Уларнинг айримлари тўғрисида Олий Мажлис Сенати аъзолари қуйидагича фикр билдирди.*

Фикр

**Қутбиддин БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси:**

— Конституциямизга киритилаётган ўзгартиш ва янгиланишлар нафақат кўлами, айни чоғда мазмун-моҳияти билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Илк марта Конституцияда Ўзбекистон суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани ўзгармас қоида сифатида мустаҳкамланаётгани бунинг яққол тасдиғидир. Бу қатъий норма юртимиз мустақиллигини асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш, “Инсон қадри учун” тамойилига асосланган изчил саъй-ҳаракатларни жадал давом эттириш, ҳуқуқ устуворлигини таъминлашга қаратилгани билан эътиборга моликдир.

Хусусан, Ўзбекистоннинг “ижтимоий давлат” деб белгиланаётганини олиб кўрайлик. Бу билан бундан буён ижтимоий ҳимояланмаган, янада аниқ айтадиган бўлсак, эҳтиёжманд қатламни қўллаб-қувватлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматларни ривожлантириш ва жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни юмшатиш мақсад қилинган.

**Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси:**

— Сир эмас, кейинги йилларда юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини бугунги кун талаблари асосида ислоҳ қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада муайян натижалар ҳам қўлга киритилди. Соҳа билан боғлиқ шу каби янгиланишлар, ўз навбатида, Конституциямизни шунга мос равишда ислоҳ қилишни кун тартибига олиб чиқди.

Айтиш жоизки, янги таҳрирдаги Конституцияга судлар фаолияти мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, судьялар дахлсизлиги ва муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслиги, уларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган муҳим нормалар киритилмоқда. Албатта, бу нормалар одил судловни тўлиқ ва мустақил амалга оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Айниқса, судлар фаолиятини молиялаштириш фақат Давлат бюджетидан амалга оширилишига оид конституциявий норма киритилмоқдаки, бу эса чинакам адолатли ва мустақил суд тизимини шакллантиришда қўл келади, деб ҳисоблаймиз.

**Толибжон МАДУМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, Сенатнинг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси раиси:**

— Кейинги йилларда ҳокимлар бир пайтда маҳаллий Кенгашларга раҳбарлик қилиши кўплаб мунозараларга сабаб бўлаётганди. Ана шу ҳаётий эҳтиёж боис янгиланаётган Конституциядан ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик қилиш институтини тугатиш тўғрисидаги норма ўрин эгаллаган. Бу ҳокимият ваколатлари бўлиниш принципини маҳаллий даражада татбиқ этишдан ташқари маҳаллий Кенгашларнинг фаолияти самарадорлигини, ҳокимларнинг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини оширишга ва ҳудудларда халқ манфаатларини тўлиқ таъминлашга олиб келади.

Шу ўринда бунга босқичма-босқич ўтилаётганлигини ҳам таъкидлаш зарур. Бу тартиб Тошкент шаҳар ва вилоятларда 2024 йилдаги навбатдаги вакиллик органларига сайлов натижалари бўйича ҳамда туман ва шаҳарларнинг давлат ҳокимияти вакиллик ва ижро органларига нисбатан 2026 йил 1 январдан қўлланилади.

**«Халқ сўзи».**

**Биз ва жаҳон**

## Ўзбекистон — Жанубий Корея таълим форуми:

# УСТУВОР МАҚСАДЛАР, ЯНГИ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Кейинги йилларда Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари ўзаро ҳурмат, самимий дўстлик ва мазмунли сиёсий мулоқотга асосланган ҳолда сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий, савдо-саноат ва маданий соҳаларда муносабатларни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилди.*



Икки мамлакат ўртасидаги йиллик ташқи савдо айланмаси 2,34 млрд. АҚШ долларидан ошиб, Корея Республикаси ташқи иқтисодий фаолият бўйича йирик ҳамкор давлатлардан бирига айланди.

Бугун Жанубий Корея билан ҳамкорлик қатор соҳаларни ва йўналишларни қамраб олган. Улар орасида таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар муҳим аҳамият касб этади.

Шу йил 26 — 29 март кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтаётган Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси олий таълим муассасалари ректорлари форуми ушбу соҳадаги алоқаларни янги босқичга кўтаришда муҳим ўринга эга. "Ўзбекистон ва Корея Республикасида олий таълим: устувор мақсадлар, янги тенденциялар ва ривожланиш истиқболлари" мавзуидаги ушбу анжуманда жаҳонга машҳур университетлар ва нуфузли олий таълим ташкилотлари раҳбарлари ҳамда вакиллари қатнашмоқда.

Форумдан тўртинчи саноат инқилоби даврида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун олий таълим муассасалари интеграциясини янада кучайтириш, замон андозаларига мос етук кадрлар тайёрлашда устувор мақсадлар, янги тенденциялар ва ривожланиш истиқболларини белгилаб олиш мақсад қилинган.

Бугун дунёда рақамли инқилоб ҳал қилувчи босқичга кирди — Ер шарининг ҳар иккинчи аҳолиси интернетга уланган. "McKinsey Global Institute" (MGI) маълумотларига кўра, яқин 20 йил ичида дунёдаги иш операциялари 50 фоизгача автоматлаштирилиши мумкин.

"MGI" прогнозига кўра, 2030 йилга бориб сайёрамизда 400 миллионга яқин одамлар, яъни ишчи кучининг 14 фоизи вазифаларини дастурлар ва роботлар бажариши сабабли ишини йўқотади. Ишчиларнинг 53 фоизи автоматлаштириш натижасида кейинги ўн йил ичида ўз ишларини сезиларли даражада ўзгартиришига ишонишади.

Роботлаштириш туфайли ходимларнинг 77 фоизи яқин келажакда янги кўникмаларни эгаллаш ёки тўлиқ қайта тайёрловдан ўтишга мажбур бўлади. Ўрта ва олий маълумотга эга бўлмаган катта ёшдаги одамларнинг 34 фоизи янги рақамли кўникмаларни ривожлантириш зарур деб ҳисобламайди. 18 ёшдан 34 ёшгача бўлганларнинг 69 фоизи рақамлаштиришнинг меҳнат бозорига таъсири ҳақида ижобий фикрда. Уларнинг ёндашувига 35 ёшдан 54 ёшгача бўлганларнинг 59 фоизи ва 55 ёшдан ошганларнинг 50 фоизи қўшилади.

Статистикадан кўриниб турибдики, жаҳонда ёшлар тўртинчи саноат инқилоби (Industry 4.0)га тайёрланмоқда. Бу эса олий таълим тизимини трансформация қилиш, кадрлар тайёрловчи олийгоҳларнинг эса замон талабига тўлиқ мослашишини талаб этади.

Мамлакатимизда рақамли технологияларни жорий этиш бўйича институционал асослар етарли. Масалан, Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги Фармони билан "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегияси тасдиқланди.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, жумладан, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада тараққий эттириш, республиканинг барча ҳудудида IT-паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш бошланган.

Бундан ташқари, 40 дан ортиқ ахборот тизимлари билан интеграциялашган геопортални ишга тушириш, жамоат транспорти ва коммунал инфратузилмани бошқаришнинг ахборот тизимини яратиш, ижтимоий соҳани рақамлаштириш ва кейинчалик ушбу тажрибани бошқа ҳудудларда жорий қилишни назарда тутувчи "Рақамли Тошкент" комплекс дастури ҳаётга татбиқ қилиняпти. Шунингдек, ҳудуд ва тармоқларни рақамли трансформациялаш доирасида аҳоли пунктларини интернет тармоғига улаш даражасини ошириш, жумладан, кенг полосали уланиш портларини кўпайтириш, 20 минг километр оптик-толали алоқа линияларини қуриш ва мобиль алоқа тармоқларини ривожлантириш орқали 95 фоизга етказиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттиришнинг турли соҳаларида 400 дан ортиқ ахборот тизимлари, электрон хизматлар ва бошқа дастурий маҳсулотларни жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

"Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида минглаб ёшлар қамраб олиниб, компьютер дастурлаш асосларига ўқитилмоқда.

Ҳудудларда ҳокимлар, давлат органлари ва ташкилотлар ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни замонавий технологиялар ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитишга тегишли олий таълим муассасалари масъул этиб белгиланган.

Тошкентда ўтказилаётган олий таълим муассасалари ректорлари форуми Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, хусусан, икки мамлакат олий таълим ташкилотлари ўртасида таълим, фан ва инновациялар йўналишида манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича қатор келишувларга эришилаётгани билан аҳамиятлидир.

Анжуман илмий доира вакилларининг очиқ, ўзаро мулоқот майдонига айланди. Унда қатор масалалар муҳокамалар марказида бўлиб турибди.

Биринчи йўналиш — иқтисодий ўсиш учун инновациялар ва технологиялар бўйича олий ўқув юртларининг ташаббусларини ҳаётга жорий қилиш. Унда "Университет 4.0" концепциясини, бошқарув бўйича янги ёндашувларни ҳаётга татбиқ этиш, илғор муҳандислик мактабларини ривожлантириш, билимларни трансфер қилиш, саноат ва олийгоҳ ўртасида яқин ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда муҳандислик фанларини ўқитишнинг янги методологияларини яратиш каби масалалар кўриб чиқиляпти.

Иккинчи йўналиш — икки давлат ўртасида олий таълим соҳасида ҳамкорлик ва алмашинувни янада равнақ топтириш. Ушбу мақсадда талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун мобиллик дастурларини ривожлантириш, тадқиқот ва инновациялар соҳасида алоқаларни кенгайтириш, халқаро ҳамкорликнинг илғор тажрибалари ва муваффақиятли моделларини татбиқ этиш, юқори технология ва рақамли платформалардан фойдаланиш, маданий алмашинув дастурларини жадаллаштиришга қаратилган масалалар муҳокама қилинмоқда.

Форум доирасида икки томонлама олий таълим муассасалариаро ҳамкорлик шартномаларини имзолаш режалаштирилган.

Анжуманда талабалар ҳам фаол қатнашмоқда. Зеро, унда кўтарилаётган масалалар ёшларнинг рақамли технологиялар бўйича янги билимларни ўзлаштиришига кўмак беради, мамлакатимизда "Саноат 4.0"га тайёр бўлган кадрларни тайёрлашга асос бўлади. Юқори технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш учун талабалар нафақат ахборот технологияларидан фойдаланиш, балки ўзида инновацион ёндашув асосида таълим олиш малакасини ривожлантириши зарур. Ана шунда юрт равнақи учун кадрлар тайёрлашда соғлом рақобат ва шаффофлик асосида янада салмоқли натижаларга эришилади.

**Мансур ЭШОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

# САНОАТ ТАРМОҚЛАРИГА ЕТУК КАДРЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МАСЪУЛИЯТИ

⬅1

Бугун замон шиддати ахборот технологиялари соҳасида, айниқса, кўпроқ кўзга ташланмоқда. Масалан, бугун чиқарилган смартфон кўп ўтмай эскиряпти, ўрнига модернизациялаган янгиси чиқарилмоқда. У янада такомиллаштирилган дастурлари ва имкониятлари билан аввалгисидан ўзиб кетмоқда. Бу замон шиддати, олимларнинг тинимсиз изланиш, янгилик яратишга бўлган интилишлари маҳсули. Биз талабалар онгига шу жиҳатларни сингдиришга ҳаракат қиламиз. Уларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга, янги лойиҳа, ишланмалар ҳамда дастурлар устида изланишга ундаймиз.

Қизиғи шундаки, яқин-яқинларгача камдан-кам ҳолатларда мактаб битирувчилари дастурчи ёки юксак технологиялар устаси бўлишни танларди. Фақат соҳага эътибор вазиятни ўзгартириб юборди.

### Замонавий технологиялар — бизнеснинг муҳим асоси

Тарихдан маълумки, сўнгги икки юз йилдан кўпроқ вақт давомида дунё учта саноат инқилобини бошдан ўтказди. Биринчи саноат инқилоби даврида фабрикалар ташкил этилди. Буғ двигателлари, ундан сўнг поездлар кашф қилинди. Иккинчи саноат инқилоби бундан-да тезроқ кечди: инсониятга телеграф, автомобилни туҳфа этди, электр энергетикаси ва нефть-кимё сингари ишлаб чиқариш соҳалари ривожига йўл очди. Учинчиси компьютер, микропроцессор, мобиль алоқа воситаси, интернет, ижтимоий тармоқлар юзага келиши ва равнақини тезлаштирди.

Тўртинчи саноат инқилоби энди бошланяпти. Аммо у ҳозирданоқ ўз мевасини беряпти. Замонавий технологиялар барча соҳага татбиқ этилиб, ҳар қандай бизнеснинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Йирик корпорациялар замон талабига мослашиш учун IT-компанияларга айланиб боряпти.

Барча соҳада роботлардан, сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда, ҳайдовчисиз автомобиллар, поездлар, қайиқлар синовдан ўтказилмоқда. Буларнинг барчаси тўртинчи саноат инқилоби фонида юзага келаётгани эътиборга молик.

Одатий дастурчилар, тизим маъмури, веб-дизайнер, iOS-дастурчиси, 3D-аниматор, компьютер графикаси рассоми каби IT соҳаси мутахассислари қаторида янгилари пайдо бўлиши кутилмоқда. Нейроинтерфейслар лойиҳачиси, тармоқ юристи, рақамли тилшунос сингарилар шулар жумласидан. Бу эса, ўз навбатида, замон талаб ва эҳтиёжларига мос кадрларни тайёрлашни ҳам тақозо қилади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида илмий тадқиқотлар, IT технологиялар, стартап ғоялар, компьютер саводхонлигига жуда катта эътибор берилмоқда. Чунки бугунги тезкор замонда фақатгина илм-фан ютуқлари ва янги технологиялар орқали иқтисодий ўсишга эришиш мумкин.

Шу боис мазкур соҳа ривожига эътибор кучайиб бораверади. Қолаверса, IT жуда сердаромад соҳалардан саналади. "Dell Technologies", "IBM", "Cisco Systems", "Accenture", "Oracle", "Fujitsu" сингари дунёга машҳур IT компаниялар ахборот технологиялари экспортидан йилига миллиардлаб фойда кўради. Биргина "Dell Technologies" компаниясининг бир йиллик даромади 92 миллиард долларни ташкил этди. Демакки, бугун жаҳон бозорида катта меҳнат ҳисобига етиштириладиган хомашё ўрнига дастурлар ва юксак технологиялар сотаётган компаниялар улкан даромад топмоқда.

IT технологияларнинг инсоният учун нақадар аҳамиятли экани пандемия даврида — карантин шароитида янада кўпроқ намоён бўлди, десак, муболаға эмас. Масофадан туриб ишлаш, ўқиш, озиқ-овқат, кийим-кечак буюртма қилиш ва бошқа масалаларда ахборот технологияларининг имкониятлари ўз сўзини айтди. Демакки, ахборот технологиялари тараққий этавергани сайин унга барча соҳада эҳтиёж ортиб бормоқда, аҳолига қулайлик яратиб, уларнинг турмуш тарзи ва фаровонлигини яхшилаш имконини бераётир.

Мана, нима учун давлатимиз раҳбари соҳа ривожига алоҳида



эътибор қаратмоқда. 2019 йилда Тошкентда дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки — IT Park ҳамда вилоятларда унинг филиаллари очилгани сўзимиз тасдиғи бўла олади. Бу стартап лойиҳаларни амалга ошириш, ёшларни дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кенг жалб қилиш, қобилиятли ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

### Электротехника ва машинасозлик соҳасини ривожлантиришга эҳтиёж катта

Мамлакатимизда электротехника ва машинасозлик йўналишида асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш саноатини ривожлантиришга эҳтиёж туғилмоқда. Бу янги иш ўринлари яратиш, мутахассислар сафини кенгайтириш имконини беради. Мазкур тармоқларда инфратузилманинг кам ривожлангани туфайли битирувчилар, асосан, IT соҳасининг дастурий таъминот ва бошқа хизматлар йўналишида ишлашга мажбур бўлмоқда.

Шу маънода, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг ўзига хос ўрни бор. Бу таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири ҳам шу: ўқув, илмий ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, шунингдек, мамлакатимизда машинасозлик ва автомобилсозлик саноатини ривожлантириш учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш. Университет Европа таълим тизимини тўлиқ ўзида мужассам этган. Биз муҳандисларни машинасозлик технологияси, автомобилсозлик муҳандислиги, саноат ахборот технологияси ҳамда ахборот бошқарув тизими, саноат-хўжалик қурилиши ва архитектура соҳалари бўйича ўқитамиз.

Университет ташкил этилганида асосий мақсад сифатида мамлакатимизда автомобилсозлик учун кадрлар тайёрлаш режалаштирилган эди. Ҳозирги вақтда битирувчиларнинг ишга жойлашиш соҳаси кенгайган. Биз тайёрлаган мутахассислар "Ўзавтосаноат" акциядорлик жамиятининг кўплаб корхоналарида ишлаяпти.

Бундан ташқари, нефть ва газни қайта ишлаш саноати корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган мутахассисларнинг асосий қисмини университетимиз битирувчилари ташкил этади. Шунингдек, битирувчиларимизга қурилиш компаниялари ва хорижий корхоналарда талаб катта. Таълим муассасасини битирган мутахассислар ихтисослаштирилган давлат ташкилотлари, вазирлик ва идораларда ишлайди.

Ҳозирги вақтда автомобилсозлик соҳасида робототехника ва мехатроника соҳасидаги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Шунингдек, талабалар электромобиллар, электроавтобуслар, шунингдек, ҳайдовчисиз транспорт воситаларининг намуналарини тайёрлашди. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, биз ҳайдовчисиз автомобилнинг лойиҳасини ишлаб чиқдик. У туризмда кенг қўлланиши мумкин. Бундай машина сайёҳларни тарихий меъморий обидалар ўртасида таший олади. У GPS харита ва навигатор ёрдамида бошқарилади. 2018 йилда ушбу лойиҳа республика инновацион ғоялар танловида "Энг яхши лойиҳа" деб тан олинди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги пайтларда дастурий маҳсулотлар сони ҳам ошди. Бу лойиҳалар, асосан, стартап кўринишда бўлгани учун дастлаб университетнинг махсус жамғармаси томонидан молиялаштирилади. Белгиланган рентабеллик даражасига етгач тижорат асосида молиялаштиришга ўтказилади.

Италиянинг Турин политехника университети QS жаҳон университетлари рейтингида 334-ўринни эгаллайди. Қолаверса, Ўзбекистоннинг 10 та олий таълим муассасаси қаторида Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ҳам "Times Higher Education" томонидан дунёнинг нуфузли олийгоҳлари қаторига кириш учун номзод сифатида эътироф этилди.

Университетимизнинг ҳар бир битирувчиси билимининг сифат даражаси анча юқори. Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети битирувчиларига ҳам Ўзбекистоннинг, ҳам Италиянинг дипломлари топширилади. Бундай дипломга эга бўлган ёшлар дунёнинг исталган йирик компанияларида ишлаш имкониятига эга бўлади.

Ўқитиш жараёни Италиядан юборилган профессор-ўқитувчилар томонидан олиб борилади ҳамда имтиҳонлар қатъий назорат қилинади. Таълим сифати ҳам ҳамкорларимиз томонидан белгиланади. Олий таълим муассасамизда талаба алмашинув дастури бор. Малака танловидан сўнг талабалар Италияга ўқиш ва амалиёт ўташ учун юборилади. Талабалар учун "Масерати", "Фиат", "Феррари" каби қатор йирик компанияларда амалиёт ўташ имконияти мавжуд.

Ҳозир талабаларимиз умумий контингентининг 4 фоизи чет элликлардан иборат. Улар Миср, Нигерия, Туркия, Россия, Италия, Қозоғистон ва бошқа қўшни давлатлардан келган. Сўнгги пайтларда чет эллик талабалар сонини кўпайтириш учун кўпроқ тадбирлар ташкил қиляпмиз. Натижа ёмон эмас, хорижий талабалар сони йилдан-йилга ортмоқда. Профессорлар таркибини шакллантириш жараёни Италия томонидан ҳал қилинади.

Ҳозир педагогларимизнинг 40 фоизи италиялик ва қолгани маҳаллий профессор-ўқитувчилардир. Ишга қабул қилинган маҳаллий ўқитувчилар Италия томонидан аккредитацияланади. Улар ўз илмий даражасини нуфузли хорижий комиссия олдида исботлаши керак. Шундан кейингина улар билан 3 йилга шартнома тузилади. Италия томонидан тақдим этилган сертификат туфайли маҳаллий ўқитувчилар Европада дарс бериш имкониятига эга бўлди.

### Битирувчиларга асосий иш берувчилар — халқаро компаниялар

Университет битирувчиларининг бир йил давомида ишга жойлашиши жуда муҳим ва рағбатлантирувчи фактдир. Ташкил этилганидан буён олий таълим муассасамизни 1000 дан ортиқ талабалар битирган.

Статистика шуни кўрсатадики, рўйхатдан ўтган талабаларнинг атиги 60 — 70 фоизи ўқишни тугатади. Бу фактга асосланиб, университетимизда ўқиш нечоғли мураккаблигини баҳолаш мумкин.

Битирувчиларимиз учун асосий иш берувчилар халқаро компаниялардир. Яъни чет элликлар иштирокида ташкил этилган компания ва корхоналар университетимизда тайёрланган мутахассисларни ишга таклиф қилади. Шунингдек, хорижий компаниялар ҳам биз билан ҳамкорлик қилиш истагини билдирди. Россиянинг "РБС" банки талабаларимиз билан янги лойиҳани бошлади. Унга кўра, банк тизимини тўлиқ автоматлаштириш бўйича ишлар талабаларимиз ва профессор-ўқитувчиларимиз томонидан бажарилади.

Келгуси беш йилда Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетини дунёнинг энг кучли 1000 та университети рўйхатига киритишни режалаштирганмиз.

Кейинги мақсадимиз профессор ва талабалар сонини кўпайтириш, университет имкониятларини янада кенгайтиришга қаратилади.

Университетдаги юқори таълим ва шароитларнинг самараси ўлароқ талабалар янгича тафаккур, ғайрат ва шижоат билан ўз билимларини амалда намойиш этмоқдалар. Олийгоҳ талабалари томонидан ҳозиргача 80 дан ортиқ инновацион лойиҳалар ишлаб чиқилди. Талабалар томонидан ясалаётган турли янги роботлар эса мамлакатда робототехниканинг ривожланишига асос бўлмоқда. Олийгоҳда роботларнинг янги авлодини тақдим этиш орқали турли соҳаларда уларнинг ўрни ва аҳамиятини оширишга эътибор беріляпти. Фаол, изланувчан талабалардан ташкил топган "Nova Robotics" жамоаси томонидан ўзи ҳаракатланадиган ва сўзларни талаффуз қилиш қобилиятига эга "Nova mini" учинчи авлод роботи ишлаб чиқилди.

Ҳозир унинг функцияларини такомиллаштириш устида иш олиб борилмоқда. Бу қурилма келган меҳмонни кулиб кутиб олади ва кузатиб қўяди. Эътиборлиси, мослама учун ишлатилган маҳсулотнинг 80 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилган.

Яна бир иқтидорли талаба Исломбек Аламов кўплаб автомашиналар қурилмаси жамламасидан пойга машинасини яратди. Тўрт йил мобайнида йиғилган бу техника воситасига 3-4 минг доллар миқдорида маблағ сарфланди. Асадбек Ўрунов эса мамлакатимизга электромобиллар тараққиёти даврини босқичма-босқич олиб кириш устида изланиш олиб бормоқда.

Қувонарлиси, олий таълим даргоҳида иқтидорли, изланувчан, ихтирочи талабалар кўп. Улар ўз интеллектуал салоҳиятини намоён этишлари, назария ва амалиётни бирга олиб боришлари учун университетда барча шароит яратилган.

Шу ўринда бир факт: бугунги кунга келиб Ўзбекистон автомобилсозлик соҳасида фаолият юритаётган 28 минг нафар ходимнинг 70 фоизи малака оширишга муҳтож. Бундан ташқари, соҳага ҳар йили 1000 — 1500 нафар янги мутахассис талаб қилинади. Барча тармоқлар бўйича республика кесимида бу маълумотлар жуда катта сонга етади.

Ушбу муаммони нафақат автомобилсозлик, балки бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида ҳам ҳал қилиш учун Италиянинг Турин политехника университети билан ҳамкорликда Андижон шаҳрида "Industry 4.0" илғор технологияларга йўналтирилган ўқув марказини ташкил этиш бўйича келишувга эришилди.

### Иқтидорли ва изланувчан ёшлар — мамлакатнинг эртанги устуни

Ишлаб чиқариш корхоналари учун кадрлар тайёрлаш дастури бутун дунёдаги етакчи мутахассислар иштирокида амалий семинарлар ва вебинарлар ўтказиш орқали амалдаги мутахассисларнинг малакасини мунтазам ошириб боришни ўз ичига олади, бунинг самараси республикамизнинг барча тармоғида намоён бўлади.

Италиялик шериклар билан ҳамкорликнинг навбатдаги босқичи автомобилсозлик саноатида ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, роботлаштириш, лойиҳалаш ва жиҳозлашни қўллаб-қувватлаш бўлади. Дастур "CIM 4.0 Competence Center" (Италия) билан биргаликда амалга оширилади, унинг доирасида мавжуд ишлаб чиқариш муаммоларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш усулларини яратиш технологик маркази ташкил этилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда тармоқда ишлаб чиқариш соҳасида тор мутахассислар иштироки борасида бир қатор муаммолар мавжуд. Бундай мутахассисларни чет элдан жалб қилиш кўп вақт ва харажатларни талаб этади. Италиянинг Турин политехника университети билан ҳамкорликда автомобилсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш учун Ўзбекистонда таълим муассасаларини ташкил қилиш тўғрисидаги келишувларнинг амалга оширилиши саноат корхоналарининг кадрлар билан боғлиқ муаммоларини бартараф этиш ва бутун минтақа учун соҳа мутахассисларини тайёрлаш имконини беради.

Мамлакатимизда автомобилсозлик корхоналарининг кўплиги ёш мутахассисларни амалий кўникмалар билан таъминлайди ва юқори технологияли саноатда рақобатбардош мутахассисларнинг кенг қатламини яратади.

Аввалроқ, Италияда ўтказилган дастлабки музокараларда 2023 йили Тошкентда италиялик ҳамкорлар кўмаги билан шаҳар инфраструктурасида автомобиль интеллектуал тизимларини ўрганиш учун лаборатория ташкил этиш бўйича келишувга эришилганди. Шунингдек, ўқув жараёнига италиялик профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар жалб қилинадиган "Саноат ишлаб чиқариш технологиялари" (Industrial manufacturing technologies) касб-ҳунар таълимининг янги йўналишини очиш борасида ҳам интилишларимиз бир нуқтада бирлашди.

Ушбу таълим дастури 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида ташкил этилди. Бу таълим дастури бўйича 93 нафар талаба қабул қилинди. Ушбу дастур Андижон машинасозлик институти ҳудудида ҳам иш бошлади. Умуман олганда, 2026 йилгача "Саноат ишлаб чиқариш технологиялари" дастури йўналишида талабалар сонини 10 минг нафарга етказиш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда етук мутахассислар тайёрлаш, уларни жаҳон талаби даражасида билим олиши, қобилиятини ривожлантириши, қисқача айтганда, ўз соҳасининг ҳақиқий устаси бўлиб шаклланишига давлат сиёсати даражасида қаралмоқда. Ривожланган давлатлар билан таълим йўналишидаги алоқалар мустаҳкамланяпти.

Ўзбекистон — Италия ҳамкорлиги ҳам ана шундай хайрли мақсадга йўналтирилган. Италия билан ҳамма соҳада, айниқса, таълим, кадрлар тайёрлаш йўналишида ҳамкорликни янада кенгайтириш келгусида мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий жиҳатдан янада ривожланишига, юксак савияли, интеллектуал салоҳиятли ёшларни тайёрлашга замин яратади. Зеро, теран фикрлайдиган, ақл-заковатли, етук кадрлар мамлакатнинг эртанги кунини, тараққиётини белгилайди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, техника ва коммуникация асрида инсонларнинг дунёқараши, фикри кун сайин ўзгариб бормоқда. Бугунги кунда уларни ҳайратлантириш, турмуш тарзини буткул ўзгартириб юбора оладиган лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳам қийинлашиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири уларнинг замонавий ахборот коммуникацияларидан фаол фойдаланиши, дунёда рўй бераётган янгиликлар, воқеа-ҳодисалардан тез хабардор бўлишидир.

Шунга кўра, соҳада ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларда ижодкорлик, креативлик қобилиятларини янада ривожлантириш мақсадида янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Ўйлайманки, бу лойиҳалар уларнинг истеъдоди, ихтиролари ҳамда ғояларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим роль ўйнайди.

> IT технологияларнинг инсоният учун нақадар аҳамиятли экани пандемия даврида — карантин шароитида янада кўпроқ намоён бўлди, десак, муболаға эмас. Масофадан туриб ишлаш, ўқиш, озиқ-овқат, кийим-кечак буюртма қилиш ва бошқа масалаларда ахборот технологияларининг имкониятлари ўз сўзини айтди. Демакки, ахборот технологиялари тараққий этавергани сайин унга барча соҳада эҳтиёж ортиб бормоқда, аҳолига қулайлик яратиб, уларнинг турмуш тарзи ва фаровонлигини яхшилаш имконини бераётир.
>
> Мана, нима учун давлатимиз раҳбари соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратмоқда. 2019 йилда Тошкентда дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари парки — IT Park ҳамда вилоятларда унинг филиаллари очилгани сўзимиз тасдиғи бўла олади.

Мухтасар айтганда, юртимизда АКТ соҳаси ривожи ва илғор технологияларни фаоллаштириш, уни изчил юксалтириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиб, аниқ қадамлар қўйилмоқда. Бу эса келажакда енгилмас соҳа билимдонлари тарбияланишига, уларнинг интеллектуал салоҳияти ошишига хизмат қилади.

**Жамшид ИНОЯТХЎЖАЕВ,**
**Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ректори.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 341. 21 296 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.55 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6